



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

www.uzas.uz

2017-yil 6-oktyabr №41 (4439)

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН МУНОСАБАТЛАРИНИНГ БУГУНГИ ДАРАЖАСИДАН ХАЛҚЛАРИМИЗ МАМНУН

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев 5 октябрь куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида Қирғизистон Президенти Алмазбек Атамбоев ва унинг рафиқасини Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев рафиқаси билан кутиб олди.

Президент Алмазбек Атамбоев Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонида ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмон ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Қирғизистон Президенти ушбу муаззам майдон Ўзбекистоннинг тинчликсевар сиёсатини, халқимизнинг бунёдкорлик ва фаровонлик йўлидаги эзгу интилишларини ақс эттирувчи ноёб мажмуа эканини алоҳида таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев ва Алмазбек Атамбоев «Ўзэкспомарказ»да ташкил этилган Ўзбекистон ва Қирғизистон саноат маҳсулотлари кўргазмаси билан танишди.

Кўргазмада мамлакатларимиз сўнгги йилларда иқтисодийёт соҳасида эришган ютуқлар, саноатнинг турли тармоқларида фаолият юритаётган компаниялар маҳсулотлари, илмий-ишлаб чиқариш марказларининг инновацион лойиҳа ва ишланмалари намойиш этилмоқда.

Президентлар экспозиция билан танишар экан, мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлиқни янада ривожлантиришда бундай кўргазмада муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этдилар. Икки мамлакат иқтисодийёт тармоқлари ўртасида ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши ишлаб чиқариш жараёни такомиллаштириши ва маҳсулотларининг янада оммавийлаштиришига хизмат қилишини таъкидладилар.

Давлат ташрифи доирасидаги асосий тадбирлар Қўсарой қароғоҳида бўлди.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг давлат раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди.

Шавкат Мирзиёев Алмазбек Атамбоевни мамлакатимизга ташрифи билан қутлаб, бутун Қирғизистон халқига ўзининг чуқур ҳурматини изҳор этди.

Бугунги ташриф жорий йил сентябрда Қирғизистонда бўлиб ўтган тарихий учра-

шувларнинг мантиқий давомидир. Икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси, ҳамфикрлиги туфайли Ўзбекистон билан Қирғизистон муносабатлари мустаҳкамланиб, ўзаро алоқалар фаоллашди. Қисқа вақтда эришилган тарихий қелишувларни халқларимиз юксак баҳолади, деди Президентимиз.

Алмазбек Атамбоев Шавкат Мирзиёевга таклиф учун миннатдорлик билдириб, Қирғизистон халқи номидан чуқур ҳурмат ва эҳтиром изҳор этди.

Сиз давлатларимиз ўртасидаги чегарани дўстлик ва ҳамкорлик чегарасига айлантирдигиз. Чегара постларининг очилиши ҳақиқий байрамга айланиб кетди. Бу Шавкат Мирзиёевнинг, аввало, халқни, оддий одамлар ҳаётини ўйлашдан далолат. Худудлараро ҳамкорлик йўлга қўйилгани, транспорт алоқалари тиклангани бизни янада бирлаштирди. Бу ҳар икки томонга манфаат келтиради, деди Қирғизистон Президенти.

Мулоқотда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатида Марказий Осиёга устувор аҳамият қаратмоқда. Барча қўшни давлатлар билан муносабатларни мустаҳкамламоқда. Жумладан, Қирғизистон Республикаси билан алоқалар ҳам янги мазмун касб этди. Парламентлар, вазирлик ва идоралар, худудлар ўртасидаги ташрифлар кўпайди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Алмазбек Атамбоев мулоқотни икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида давом эттирдилар.

Унда асосий эътибор Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва худудлараро ҳамкорлиқни янада ривожлантириш, транспорт-коммуникация, энергетика, саноат, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, маданият ва бошқа соҳалардаги алоқаларни мустаҳкамлаш масалаларига қаратилди.

Савдо-иқтисодий алоқалар ривожидан

тон Республикаси ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия муҳим ўрин тутмоқда. Мазкур комиссиянинг ҳамраислари сифатида икки мамлакат Бош вазирлари белгилангани томонларнинг ўзаро ҳамкорлиқни ривожлантиришга юксак эътиборидан далолат беради.

Ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар ўшда бўлиб ўтган халқаро кўргазмада иштирок этди. Қирғизистон иқтисодийёт вазирининг мамлакатимизга ташрифи ҳам самарали бўлди.

Қирғизистон Президентининг Ўзбекистонга давлат ташрифи доирасида ташкил этилган саноат маҳсулотлари кўргазмаси ва бизнес-форумда қарийб 200 миллион долларлик шартномалар имзоланди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш кўрсаткичи мавжуд иқтисодий имкониятларга мос эмаслиги, яқин йилларда ўзаро савдо ҳажмини 500 миллион долларга етказиш зарурлиги қайд этилди. Саноат кооперациясини йўлга қўйиш ва қўшма корхоналар ташкил этиш вақти келгани таъкидланди.

Қирғизистонда қишлоқ ҳўжалиги техникалари, автомобиллар, автобуслар ва маиший ускуналарни биргаликда йиғиш, қурилиш материаллари, тўқимачилик маҳсулотлари ва бошқа товарлар ишлаб чиқариб, учинчи давлатларга экспорт қилишга қелишиб олинди. Худудлар ва тадбиркорлар ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқалар янада ривожлантирилди.

Ўзбекистон ва Қирғизистоннинг транспорт коммуникациялари ўзаро интеграциялашган. Бу барча соҳалардаги алоқалар ривожидан, шунингдек, икки мамлакат худудлари орқали жўхон бозорларига чиқишда муҳим роль ўйнайди. Шу боис мамлакатларимиз транспорт қатнови, эркин транзитни таъминлаш соҳасида ҳамкорлиқни ривожлантиришмоқда.

«Ўзбекистон-Қирғизистон-Хитой» темир йўлининг қурилиши мамлакатларимиз учун улкан иқтисодий имкониятлар очиб таъкидланди. Янги асосий йўлаклар, жумладан, «Андижон-Ўш-Ирқиштом-Қошқар» қатновини очиб минтақа давлатлари ўртасида ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтириш ва уларнинг иқтисодий тараққиётига қўшимча суръат бағишлашга хизмат қилиши қайд этилди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон халқларининг маданияти, қадриятлари муштарак.

Президентимиз таъкидлаганидек, бизнинг тилимиз, динимиз, фикримиз бир.

Бу жиҳатлар маданий-гуманитар алоқалар ривожидан муҳим омил бўлмоқда. Ўзбекистонда қирғиз тили ва маданияти, Қирғизистонда ўзбек тили ва маданиятини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилда Қирғизистон театр ижодкорлари Фарғона водийсига, Ўзбекистонлик санъаткорлар Ўш, Ўзган, Аравон, Новқат, Қорасув, Жалолобод шаҳарларига ижодий сафар қилди. Қирғизистон делегацияси мамлакатимизда бўлиб турган айни кунларда Қирғизистонда Ўзбекистон маданияти кунлари ўтказилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан давлат чегаралари бўйича тарихий қелишувларга эришилгани ва қатор чегара постлари очилгани икки қардош халқ ўртасидаги дўстлик алоқалари учун кенг имконият берди.

Олий даражадаги музокаралардан сўнг икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Алмазбек Атамбоев Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасида стратегик шериклик, дўстлик, аҳил қўшничилик ва ишончли мустаҳкамлаш тўғрисида декларацияни имзоладилар.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг турли соҳаларига доир 10 дан ортиқ ҳужжат имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар музокаралар ўзаро англашув, очкилик ва самимият руҳида ўтгани, томонлар ўртасида ҳал қилинмаган масалалар деярли қолмаганини алоҳида таъкидладилар.

Шавкат Мирзиёев имзоланган ҳужжатлар халқ талаб ва истакларидан келиб чиқиб қабул қилингани, улар мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлиқни янада ривожлантиришга хизмат қилишини қайд этди.

Алмазбек Атамбоев сўнгги вақтларда эришилган қелишувларни халқларимиз узоқ кутгани, тарихда қоладиган шундай ишларга ҳисса қўшганидан бахтиёр эканини таъкидлади.

Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоевнинг мамлакатимизга давлат ташрифи давом этмоқда.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТОЖИКИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 октябрь куни Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари мулоқот аввалида Тожикистон Президентини туғилган куни билан самимий муборакбод этди.

Ўзаро қўллаб-қувватлаш ва биргаликдаги саяё-ҳаракатлар туфайли мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик мустаҳкам дўстлик ришталари, умумий тарих, маънавий ва маданий қадриятларга асосланган аънавий ақли ва яхши қўшничилик алоқалари мустаҳкамланаётгани чуқур мамнуният билан алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорлик изчил ривожланмоқда, барча даражада, жумладан, чегараолди худудлар ҳамда ишбилармон доиралар ўртасида мулоқот фаоллашгани кузатишмоқда.

Жорий йил бошидан товар айирбошлаш ҳажми сезиларли даражада ўсди. Душанбе шаҳрида Ўзбекистон корхоналарининг саноат ярмаркаси ва икки мамлакат етакчи компаниялари иштирокида бизнес-форумлар муваффақиятли ўтказилди.

Қўшма савдо уйлари ва замонавий ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилмоқда. Мамлакатларимиз пойтахтлари Тошкент ва Душанбе шаҳарлари ўртасида тўғридан-тўғри авиақатновлар тикланди.

Маданий алоқалар кенгаймоқда – жорий йил май ойида Тожикистонда Ўзбекистон маданияти ва санъати кунлари ўтказилди, октябрь ойида мамлакатимизда ҳам шундай тадбир ўтказилиши режалаштирилган.

Мамлакатларимизни яқинлаштириш ва кўп қиррали шериклиқни мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган ҳамкорликдаги ишлар Ўзбекистон ва Тожикистоннинг кўп миллатли халқлари манфаатига хизмат қилмоқда, бу халқларимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Мулоқотда давлатларимиз ўртасида амалий ҳамкорлиқни янада ривожлантириш истиқболлари, олий ва юксак даражада бўлиб ўтадиган тадбирлар режаси муҳокама қилинди.

Шунингдек, минтақавий ва халқаро сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Мулоқот сўнггида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонни яна бир бор самимий табриклаб, унга мустаҳкам соғлиқ ва улкан муваффақиятлар, дўст тожик халқига тинчлик, оёсийшалик ва фаровонлик тилади.

Ўз навбатида, Тожикистон Президенти ҳам Ўзбекистон Президентига самимий табрик ва юксак эътибор учун чуқур миннатдорлик билдирди.

Томонлар дўстлик ва яхши қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлаш, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасида кенг қўламли ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни бундан буён ҳам биргаликда ривожлантиришга тайёр экани қайд этилди.

ЎЗА

АЙТСАМ – ТИЛИМ, АЙТМАСАМ – ДИЛИМ...

“Жамият” сўзининг мазмун-моҳияти шуни англатадики, қай манзилда яшамайлик, худуддаги маънавий муҳитдан тортиб, қўчамизнинг саранжом-саршиш ва ободлигига қаҳар жамийи юмушларга барчамиз бирдек масъулмиз. Бирор пешлашқа чалқаш ёзилиб қолган ёхуд бирор-бир йўлнинг четидан барги-хазонлар тўпчилиб, атроф-муҳитни бефайз қилиб турган бўлса, бу ишнинг менга дахли йўқ, дея бамайлихотир ўтиб кетиш ўша худуддаги жамият аъзоларининг маданиятига соя солмасдан қолмайди. Негаки, жамиятда яшаб ундан ташқарида туриш мумкин эмас. Ахир, бу бизнинг муаммомиз, уни ҳеч ким четдан келиб ҳал қилиб бермайди.

Жамият ва бурч

Ўз муаммоларини ўзлари ҳал этишга ўрганиш, бунинг учун жон куйдириш, шу муаммога масъул шахсларга эслатиш ёхуд талаб қилиш, зарур бўлганда уларни биргаликда ҳал қилишга қўмаклашиш ва енг шимариб ишга киришиш бизнинг жамият олдидидаги бурчимиздир. Мавжуд нуқсонларни вақтида бартараф этишининг энг мақбул йўли шундан иборат. Модомики шундай экан, одамларнинг тили ва дилида юрган масалалар ҳақида биргаликда фикр юритиш, бир-биримизни ҳушёр ва огоҳ бўлишга қорлаш ҳаммавақт долзарб бўлиб қолаверадиган. Ушбу мавзудаги мақолаларни эндиликда “Жамият ва бурч” рукнида ёритиб борамиз.

БИР ХАТДА ЎН ХАТО

Бир пайтлар ўқийман десанг китоб танқис, китоб дўконлари санокли эди. Бугун шукри наشريёт, китоб дўконлари, кутубхоналарнинг сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Чоп этилаётган китобларнинг санаб адоғига етолмайсан. Ҳам бадий, ҳам сифат жиҳатидан мукамал асарлар ўқувчини ўзига ром қилиши тайин. Аммо ўқувчига ҳеч нарса бермайдиган, бунинг устига гиж-гич хато билан чоп этилаётган китобларни қўрганингизда қалбингиз ўртанади: ёш авлоддан чаласавод қиладиган асарнинг кимга кераги бор экан-а? Саводи, савияси ҳаминқадар одамга баъзида исмини ҳам эплаб ёзолмайди, дея баҳо берамиз. Бундай танқидий фикр билими саёз, вақтида қўлгига бир бор китоб ушламаганлар ҳақида айтади. Бугун юртимизда ана шундай савиясизликка барҳам бериш, китобхонлик маданиятини ошириш мақсадида хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Давоми иккинчи саҳифада.

ДЎСТЛАР ЖАМ БЎЛГАНДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан бўлган учрашувда ҳомийлик масаласига тўхталиб, шундай деган эди: **“Бугун маърифатли дунёда шундай аънава мавжудки, йирик компаниялар, банклар, фирмалар маданий ташкилотларга ҳомийлик қилишни ўзлари учун шараф деб биладилар. Баъзан, қани энди, бизда ҳам шундай ҳомийлар кўпайса, деб орзу қиламан”**.

Бугун биз ажодларимиз қолдириб кетган бебаҳо дурдоналар — илмий, бадий, тасвирий ва санъат асарлари билан фахрланамиз. Бу манбаларни қўзимизга суртиб ўқиймиз, ҳайрат билан томоша қиламиз ва заъқ билан тинглаймиз. Кўпинча бу манбаларнинг яратилиш тарихи, асрлар оша бизга етиб келганининг сабаблари ҳақида ўйлаб қўрмаймиз. Ваҳоланки, ажодларимиз томонидан яратилган асарлар, ўша даврларда вужудга келган турли йўналишдаги мактабларнинг ҳомийлари бўлган. Бу борада биргина улў Мир Алишер Навоий бобомизнинг истеъдодли шоир-ёзувчиларга, мусавирларга, меъморлару муаррихларга қўрсатган саховати ва эътиборини эслашнинг ўзи кифоя. Қолаверса, бугун дунёни ҳайратга солаётган Савиций номидаги Қорақалпоқ музейи, Лувр музейи, Третьяков галереяси, “Эрмитаж” каби санъат хазиналари ҳам ўз даврининг йирик меценатлари, маърифатпарвар ҳомийлари туфайли дунёни ҳайратга солмоқда.

Айни кунларда эзгу орзу-ниятларимиз амалга ошиб, қўллаб ижодий уюшмаларимиз, театр жамоалари ҳомийлар билан ҳамкорликда ишлашяпти. Бу борада Ўзбекистон Композиторлар ва бастакорлар, Ёзувчилар, Журналистлар уюшмалари ҳамда Бадий академия ижодкорлари анча илдамлаб кетишди. Сентябрьнинг илк куниди мазкур жамоалар жам бўлиб, ўзаро фикрлашиб, “Ижодий уюшмалар клуби”ни тузгани маданий ҳаётимизда янгилик бўлди.

Давоми бешинчи саҳифада.

РАҚС — МИЛЛАТ ҚИЁФАСИ

Давлатимиз раҳбарининг мамлакат ижодкор зиёлилари вакиллари билан бўлган учрашувда маданиятимиз ва санъатимизнинг ривожланиш жараёنлари, бу борада ижобий тенденциялар билан бирга, айрим салбий ҳолатлар ва уларнинг жамият ҳаётига таъсирини ҳолисона, танқидий баҳолаб, ечимини кутаётган долзарб муаммолар деб уларни бартараф этиш йўллари ҳақида айтган фикрлари ўзини шу юрт фўқораси деб билган ҳар бир одам қалбига акс садо берди. Айниқса, Юртбошимизнинг **“Ўзбекистонда адабиёт ва санъат, маданият, оммавий ахборот воситалари, маънавият ва маърифат бизнесга айланмаслиги шарт ва биз бунга ҳеч қачон йўл қўймаймиз”**, деган сўзлари барча зиёлилар, ижод аҳли дилидаги гап бўлди. Шу билан бирга, адабиёт, санъат, маънавият ва маданиятга хизмат қилувчи ҳар бир ижодкор ўз касби ҳақида чуқур ўйлаб қўриши учун қаҳриқандай янгради. Давлатимиз раҳбарининг санъаткор ўзининг одоби, юриш-туриши, кийиниш маданияти, муомаласи, одамлар орасида ўзини тутиши билан бошқаларга, энг аввало, ёшларга ўрнак бўлиши зарурлиги ҳақидаги фикрлари барча ижод кишилари қатори ўзбек рақс санъати вакиллари фаолиятига ҳам бевосита тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги “Ўзбекконцерт” давлат муассасасида бўлиб ўтган **“Миллий рақс санъатининг ривожланиш тарихи, долзарб муаммолари ва замонавий концепциялари”** мавзусидаги илмий анжуман бугун ўзбек миллий рақс санъати намоёндалари, олим ва мутахассислар олдиди ечимини кутиб турган вазибаларга бағишланди.

Анжуманни очган “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси раҳбари Азамат ҲАЙДАРОВ тадбирнинг мақсади ҳақида гапириб, сўзни Ўзбекистон Республикаси Маданият вазир Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВга берди.

— Аввало, шуни айтиш керакки, миллий рақс ва хореография санъати XX-XXI асрларнинг ижодий маҳсули эмас, — дея сўз бошлади вазир. — Бу санъат тарихи, аънавалари узоқ йилларга бориб тақалади. Ҳазрат Мир Алишер Навоий даврида ҳам рақс ўз маъно-мазмунига

Давоми бешинчи саҳифада.

ТАРИХИЙ НУТҚ

Дунё глобаллашув даврига кириши уни яхлит вужудга айлантирди. Ер шарининг олис бир чеккасида рўй берган кичик воқеа ҳам дарҳол умум нигоҳига тушиб, афкор омма қалбида ё қувонч, ё алам уйғотадиган давр бошланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи яшин тезлигида тарқалди ва юксак нуқ-таларда акс-садо берди. Зеро, бу юксак мин-бардан туриб бутун жаҳон аҳлига қаратилган оташин Сўз эди.

Авалло, тан олиш жоизки, нутқда катта, гло-бал масалалар ўртага ташланди, хозирги но-тинч замон учун долзарб бўлган тақлифлар олға сурилди. Биз фақат нутқнинг айрим жи-ҳатларига эътибор қаратмоқчимиз, холос.

Шундай жиҳатлардан бири, нутқдаги “мам-лакатимиз янги қиёфасини шакллантириш” ҳақидаги фикрди. Ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, хозирги кунда Истиқлолимиз иккин-чи, юксак тараққиёт босқичига ўтди. Беш йилга мўлжалланган мамлакатни ривож-лантириш стратегияси ҳақида гап борар экан, Президентимиз ушбу нутқда деди: “Бу стратегияни иш-лаб чиқишда биз ўзимизга четдан назар таш-лаб, салоҳият ва имкониятларини ҳолис ба-ҳолаш билан бирга, хато ва камчиликларимиз-ни ҳам атрофлича танқидий таҳлил қилдик”.

“Ўзимизга четдан назар ташлаш” салоҳияти ҳар қандай мамлакат ва унинг йўлбошчисига насиб этмайдиган бахт ва амалдир. Бу ноёб амал. Фақат шундагина ютуқлар ҳам, хато ва камчиликлар ҳам қафтдагидек аққол кўзга таш-ланиши мумкин. Танқидий нигоҳ самарали та-раққиёт учун сув билан ҳаводек зарурдир. Шун-дай нигоҳ билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилган тараққиёт йўли жаҳон ҳамжамияти на-зарига тушиши ва эътироф этилиши тайин.

Америкада нашр этиладиган нуфузли “Forbes” журналида эълон қилинган мақола (у ҳақида “Халқ сўзи” газетасида ёзилди) “Ўзе-кистон — Евросиёдаги янги иқтисодий тарақ-қиёт замини” деб номланиб, унда мақола муал-лифи Кеннет Рапоца Президентимиз Шавкат Мирзиёевни Хитой Халқ Республикаси собик ра-иси Дэн Сяопинга ўхшатади. Маълумки, Дэн Ся-опин Хитой иқтисодий тизимида кенг қўламли ислохотлар ўтказишга муваффақ бўлгани боис Хитой иқтисодий жиҳатдан қудратли давлатга айланди. Бизнинг Президентимиз нафақат иқти-содий, балки мамлакат ҳаётининг барча жаб-ҳаларида, айнқиса, маънавият ва маърифат со-ҳасида ҳам кенг ва чуқур миқёсида самарали ислохотлар олиб бормоқда.

Шунга боғлиқ ҳолда нутқнинг сўнги қисми

Оллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсинким, буюк алломалар юрти, жаннатмонанд Ватанимизнинг дунё ҳамжамиятида тутган ўрни тобора юксалиб бормоқда. Чорак асрки, халқимиз инсоният тамаддунига улкан ҳисса қўшган аждодларига муносиб авлод бўлиш, бунёдкорлик ва тараққиёт йўлида дадил қадам ташламоқда. Эндликда қадим Мовароуннаҳр диёрида яна ўзликка қайтиш, қадриятларни тиклаш шомоллари эсиб, муқаддас динимиз шиорлари баралла айтилмоқда.

ЎЗЛИККА ҚАЙТИШ

Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-мажлисида сўзлаган оламшумул маъруза-си Ватанимизда олиб борилаётган чуқур ис-лохотларнинг, мамлакатимизнинг янги қиёфа-сини шакллантириш йўлида қилинаётган сайё-ҳаракатларнинг ўзига хос сарҳисоби бўлди. Бу хайрли ишларнинг “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган шиор остида олиб бо-рилаётгани, 2017 йил мамлакатимизда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилингани, янгилашни жараёнла-рининг ҳаракатлар дастури белгилаб олингани, Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳияти Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқа-рор ривожланиш мақсадлари билан ҳамоҳанг экани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари нафақат минтақамиз, балки дунё миқёсидаги муаммоларни, жумл-адан, Орол муаммосини, Афғонистон муаммо-сини кўтардилар, биз интиладиغان энг муҳим мақсад ва асосий вазифа тинч-осойишта, иқтисодий тараққий этган Марказий Осиё экан-ини, Ўзбекистон ўзаро мулоқот, амалий ҳам-корлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш-нинг қатъий тарафдори эканини айтдилар.

Энг муҳими, Юртбошимиз ушбу юксак мин-бардан туриб Бирлашган Миллатлар Ташкило-ти тарихида биринчи бор жаҳон жамоатчили-гига ислом динининг асл моҳиятини баралла эълон қилдилар, мусулмонларнинг, хусусан, улуг алломаларимизнинг жаҳон цивилизация-сига қўшган бебаҳо ҳиссасини алоҳида таъкид-ладилар.

Президентимиз сўзларида давом этиб, улуг алломаларимизнинг бой меросини асраб-авайлаш ва ўрганиш мақсадида Имом Бухо-рий номидаги Халқаро илмий-тадқиқот мар-кази, Ислон цивилизацияси маркази каби энг масканлари ташкил этилганини маълум қил-дилар, аини пайтда, муқаддас динимизни унга мутлақо ёт бўлган тушунчалар билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаб, улар билан ҳеч қачон муро-са қилинмаслигига эъти-бор қаратдилар. Шунингдек, БМТ Бош Ассам-блеяси томонидан барчаннинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳо-латга барҳам беришга қўмақлашишга хизмат қиладиган “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюция қабул қилишни тақлиф қилдилар. Ушбу резолюция бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топти-

муқаддас динимиз Ислонга бағишланди:

“Биз бутун жаҳон жамоатчилигига ислом ди-нининг асл инсонпарварлик моҳиятини етқа-зишни энг муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз. Биз муқаддас динимизни азалий қадрият-ларимиз мужассамининг ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз. Биз муқаддас динимизни эъравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар бил-лан ҳеч қачон муро-са қила олмаймиз”.

Бу гаплар шунчалик қатъийт ва ишонч би-лан айтилдики, назаримизда, бошқа бирор ис-ломга эътиқод қилувчи давлат раҳбарининг бунга журъати етмасди, ҳойнаҳой. Зеро, Тур-кия Республикаси Президенти Р.Т.Эрдоғон бундай қатъиятдан хайратга тушиб, Президен-тимизни қизгин табриклагани ҳам бежиз эмас.

Нутқнинг ўзбекча нусхасида илк бор “маърифатий ислом” ибораси ишлатилдики, бу нутқда айтилгани-дек, “ўз аҳамиятига қўра ислом ди-нида Қуръони каримдан кейинги муқаддас ки-тоб ҳисобланган “Саҳиҳий Бухорий” муалли-фи Имом Бухорий бизнинг ватандошимиз, Ўзбекистон эса аини шундай “маърифатий ис-лом” Ватани экани жаҳон жамоатчилигига юксак минбардан туриб етказилди.

Ушбу гапларнинг мантӣкий давоми сифа-тида БМТ Бош Ассамблеясига “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган мах-сус резолюция қабул қилиш тақлифи илгари сурилгани бутун нутқнинг муносиб яку-ни ва юқори нуқтаси бўлди.

Бир пайтлар атоқли шоиримиз Абдулла Орипов буюк ва бетимсол Ватанимиз ҳақида: **У менинг кўзимга ҳилолдай ҳаваш,**
Офтоб келар фақат унинг қошига.
О, она сайёра, бағрининг поклаш
Менинг Ватанимнинг тушган бошига — деб ёзган экан, бу мисралар ҳақиқатга йўғрил-ган башорат бўлса-чи? Зеро, Президентимиз-нинг ушбу тарихий нутқи она сайёрамизда тинчлик ва осойишталик, глобал ва экологик ҳавфсизликни таъминлаш йўлида янги давр-нинг бошланишидир. Илоҳо, шундай бўлсин. Зеро, бизнинг минтақамиз номланишидаги “Марказий” сўзи нафақат жўғрофий, балки илоҳий маъно-моҳиятга ҳам эга, бизинчга.

Сувон МЕЛИ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
қўрсатган маданият ходими

Комил инсон тарбияси буюк истиқболни кўзлаган ҳар қандай жамиятнинг олий мақса-дидир. Муайян тизимга асосланган таълим ва тарбия жараёни эса, аслида, мактаб лицей, олий ўқув юртидан ҳам аввал — мактабга таълим даргоҳларида бошланади. Оила ба-рида тетапоя қадам ташлаб бахтли болалик нашидасини тотган, болалар бoғчаларида онг ва шуури шаклланган фарзандларнинг савия ва қобилияти тўғридан-тўғри мактабга бор-ган болаларга қараганда анча юқори бўлиши ҳаёт тажрибасидан яхши маълум.

Бироқ барча фарзандларимиз мактабга таълим даргоҳларига тўқис қамраб олинмагани, аини чоғда, мазкур муассасалар фао-лиятида миллий маданий-тарихий қадриятларни акс эттирувчи ўқув-методик ҳамда дидактик адабиётлардан фой-даланиш замон талабларига жавоб бермас-лиги туфайли умумий таълим тизимимизда ҳал этилиши зарур бўлган қўллаб масалалар йи-ғилиб қолганди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мактабга таълим тизими-ни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирла-ри тўғрисида”ги қарори бу борадаги муаммо-ларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади. Қарорда мактабга таълимни бошқаришининг илғор усулларини жорий этиш, тарбия ва ўқув жараёнини такомиллаштириш, мактабга таъ-лим муассасалари инфратузилмаси ва мод-дий-техник аҳолини яхшилаш бўйича комп-лекс чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган. Хусусан, 2018 йил 1 январдан бош-лаб Тошкент, Нукус шаҳарлари ва вилоят мар-

казларида эксперимент тариқасида давлат-ху-сусий шериклик шартларида мактабга таъ-лим муассасалари ташкил этилади. Замона-вий ижтимоий-ҳаммабop мактабга таълим муассасаларини ташкил этиш мақсадида ин-весторларга ер устакалари, бўш турган би-нолар, фаолият юритмаётган ва тарбияланув-чилар кам бўлган давлат мактабга таълим муассасаларини беғараз ажратиш кўзда ту-тилади. Инвесторларга мактабга таълим му-ассасаларини эҳтиёж катта ва инфратузилма-

ЖАМИЯТНИНГ ОЛИЙ МАҚСАДИ

си ривожланмаган ҳудудларда ташкил этиш учун солиқ имтиёзлари ва имтиёзли кредит-лар тақдим этилади.

Тошкент шаҳридаги давлат мактабга таъ-лим муассасаларига тадбиркорлик субъект-лари билан сифат талаблари ва санитария-гигиена меъёрларига жавоб берадиган озик-овқат маҳсулотлари ва тайёр овқатларни ет-казиб бериш бўйича шартномалар тузишга рухсат берилади. Инвесторлар ташкил эти-лаётган мактабга таълим муассасаларида давлат таълим талабларига, санитария-гиги-ена ва бошқа нормаларга риоя қилиш, фао-лият йўналишини сақлаб қолиш ҳамда мак-табга таълим хизмати нарҳининг мақбул-лиги ва арзонлигини таъминлаш учун масъул бўлиши назарда тутилмоқда. Бунда уларга

кенг солиқ имтиёзлари, кредитлар тақдим этилади.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарорига асосан, мактабга таълим тизимини танқидий ўрганиш ва такомиллаштириш юзасидан тақ-лифлар ишлаб чиқиш бўйича комиссия тузиш ҳам кўзда тутилган. Мазкур комиссиянинг асо-сий вазифалари сирасига мактабга ёшдаги болаларни уйғун ривожлантириш соҳасидаги илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда сифатли мактабга таълимни ташкил этишга

нисбатан давлат талабларини қайта кўриб чиқиш, шунингдек, мактаб-га таълим муассасаларини ўқув-тарбиявий адабиётлар билан таъ-минлаш тизимини таҳлил этиш, мактабга таълим соҳасида қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш ама-

лиётини янада такомиллаштириш бўйича комп-лекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш каби ва-зифалар ҳам киритилган. Аини чоғда миллий маданий-тарихий қад-риятларни акс эттирувчи ва болаликдан ки-тоб ўқишга қизиқиш уйғотувчи ўқув-методик, дидактик материалларни тайёрлаш ҳамда жорий этиш ишлари ҳам замонавий талаб-ларга мувофиқлаштирилади. Бинобарин, мактабга ёшдаги болаларга сингдирила-диган билим ва қадриятлар уларнинг кела-жақдаги ҳаётини белгилаб бериши сабабли бу таълим жараёни ҳар жиҳатдан баркамол ва уйғун ривожланган шахсларни камолга етказишда муҳим аҳамият касб этади.

М.АБДУЛЛАЕВ

АЙТСАМ — ТИЛИМ, АЙТМАСАМ — ДИЛИМ...

Бошланиши биринчи саҳифада.

Пойтахтимиз қоқ марказида, “Мустақиллик” кўчасида жойлашган “Китоб олами” маънавий-маърифий савдо мажмуаси доимо китоб-севарлар билан гавжум. Бу ерда исталган китобни сотиб олишдан ташқари турли маърифий кечаларнинг ўтказилиши нур устига нур.

Куни кеча ўша “Китоб олами”дан тахририятимизга бир неча китоб-блар тақдимоти ўтказилишига оид бир хат келди. Бир хатки... Тахририятимизга келган бу хатда раҳбарнинг фамилияси исмга, исми эса фамилияга айланиб қолган. Хатнинг биринчи сатридаёқ Президентимиз шу йилнинг 13 сентябрида имзо чеккан “Китоб махсу-лотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарори сана-си **“6 сентябрь”** деб кўрсатилган. Учинчи қаторда “мутолаа” сўзи “мутола”, деб ёзилган. Севимли шоиримиз номи билан аталадиган Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи Гофур Ғулом деб ёзилгани эса жуда таассуфланарли. Янада ҳайратланарлиси, директорнинг фамилияси Аҳунджанов, деб ёзилган.

Хуллас, ярим бетлик хаттинанинг ўзида ўнга хато. Шу сабаб бир савол туғилади: “Китоб олами” маънавий-маърифий мажмуаси хо-димлари қачон китоблар оламига кириб боришдаи ва бундай ғиж-ғиж хатоларга тўлиб-тошган хатларни тахририятларга жўнатиш қачон-гача давом этади?

ХУДО АҚЛ БЕРМАСА ЁХУД ИНТЕРНЕТААГИ ВАЙСАҚИЛАР

Ижтимоий тармоқлар орқали ўзаро мулоқот қилишнинг қулайлиги, унда инсоният тамаддуни ҳамда илмий-адабий тафаккур дурдоналари, жаҳон илм-фани эришган ютуқлар тўплангани интернетнинг жуда тез оммалашувига олиб келгани бор ҳақиқат. Бироқ ижтимоий тар-моқларнинг шундай бекйёё имкониятидан ўз билим доираси, тафак-курини бойитиш йўлида фойдаланиш ўрнига вайсақилик қилиш би-лан қифояланаётганларни кузатиб, беихтиёр улуг адиб Абдулла Қаҳҳорнинг **“Адабиёт атомдан кучли, лекин унинг кучини ўтин ёришга сарф қилиш керак эмас”**, деган ўғити ёдга тушади.

Интернет ҳам атомдан кучли, бироқ у одамлар ўзининг саводсиз-лиги ва савиясизлигини намоён этадиган минбар эмас. Ижтимоий тармоқларда шундай ҳолларни кўрганда ёҳуд энг сўнгги русумдаги қимматбаҳо мобил телефонини қўлида ўйнатиб, ундан фақат вайса-қилик учун фойдаланаётган, қимматли вақтини ҳуда-беҳуда алжираш-ларга, бир-бири билан тушган суратларни жойлаштиришга сарф эта-ётган айрим “фейсбук”бозларни кузатиб, таажжубингиз ортади. Тўғри-си, шундай “гапбоз”лар орасида олий маълумотли дуппа-дуруст одам-лару олий ўқув юртлари талабаларининг ҳам борлиги кишини таш-вишлантиради. Эл-улуснинг дарди, ташвиши, ҳар биримизнинг бу-ғунги ва эртанги кунимизга бевосита даҳлдор бўлган, дунё кўламида юз бераётган ижтимоий жараёнлардан мутлақо ўзилган ҳолда тор манфаатларнинг қули бўлиб қолиш ҳолларига ғувоҳ бўлиб, уларнинг онг ва шуури ҳали-хануз шўро давридагидек тушовланиб ётганига ачинасиз. Беихтиёр, Худо ақл, фаҳм-фаросат бермаса қийин экан-да, дейсиз.

Яқинда шундай “фейсбук”бозларнинг қизиқиш доирасини аниқлаш мақсадида сайтида юзлаб “дўстлари” борлиги ва улар билан ҳар куни боғланиб туриши билан мактананадиган бир дўстимиз сайтига “Сен менга дўстларингнинг қимлигини айт, мен сенинг қимлигингни айтиб бераман” деган ақидага амал қилиб, жаҳон матбуотида эълон қилин-ган Марказий Осиёнинг келгуси тақдирига алоқадор бир мақола жўнатдик. Дўстимиз уни бажонидил эълон қилди ва биз шу мақолани неча киши ўқигани билан қизикдик. Бўлар-бўлмас гапларга муноса-бат билдириб, ҳар куни чиқиш қиладиган юзлаб “дўст”лар орасидан атиги беш-ўн кишигина шу мақолани ўқибди. Фикр билдирганлари-

БУНДА БУЛБУЛ КИТОБ ЎҚИЙДИ

Саховатли қуёш заррин нурларини Жиззах-га мўл-кўл сочганиданми, бу замин тупроғида олтин гуллаётир. Шу элнинг эрка фарзанди ёзганидек, кундан-кун чирой очиб бораётган шаҳар кўчаларини яёё кезган киши кўнглида бир ажиб ҳис меҳмон бўлади, тароватдан юра-ги севинчга тўлади. Янгидан қурилаётган кўпқаватли уйлар, қорхона ва заводлар, ҳиё-бон ва таълим муассасалари бутунги Жиззах жамолига кўрқ бағишламоқда. Аини кунларда вилоятда қурилиш ишла-ри авжида. Жадал суръатларда бар-по этилаётган Шароф Рашидов, Ҳамид Олимжон ва Зулфия ҳиёбоналари нафа-қат вилоятнинг, балки республикамизнинг ҳам энг сўлим масканларидан бирига айланиши тайин. Жиззахликлар куни кеча яна бир бай-рамни кўтаринқилик билан нишонладилар. Она тили ва адабиёт фанларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган, юртимизнинг атоқли шоирлари Ҳамид Олимжон ва Зулфия номи билан аталган янги мактаб-интернат ўз

ишини бошлади.

Президентимиз жорий йилнинг 27 апрель куни Жиззах вилоятига ташрифи чоғида эл севган шоирлар ҳиёбонини барпо этиш, улар-нинг мактабларини ташкил этиш юзасидан берган тасвиялари, Вазирлар Маҳкамаси то-монидан имзоланган қарор асосида қад рост-лаган билим даргоҳи адабиётга иштиёқи ба-ланд ўқувчилар учун ажойиб туҳфа бўлди. Қисқа муддат ичида қуриб битказилган 4 қаватли замонавий бино ёруғ ва шинам синфхоналар,

Муборак бўлсин

юз ўринли ётоқхона, фаоллар залига эга, ўқув-лаборатория жиҳозлари, техника воситалари билан таъминланган, яшил спорт майдонча-лари ўқувчилар ихтиёрида. 5, 6, 7, 8-синфлар-га барча туман ва шаҳарлардан синов асосида қабул қилинган 120 нафар истеъодли ўғил, қизлар, жамоатчилик вакиллари, устозлар ва ота-оналар иштирокида ўтган янги мактабнинг очилиш маросимида ушбу муассасанинг бар-

по этилиши нафақат вилоят, балки республи-камиз маданий ҳаётида катта воқеа бўлгани қувонч билан таъкидланди.

— Халқимизнинг оташнафас шоирлари номи билан аталувчи ушбу даргоҳ Юртбошимизнинг адабиётга, айнқиса, ижодкорларга ҳурмати, юксак эҳтиромининг намунасидир, — дейди Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибаси, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Маъмура Ёқубова. — Бу ерда таъ-лим олаётган ўқувчилар қалбида адабиётга меҳр бор экан, демак, улар ҳамиша эзгулик тара-фига бўлишади. Илк қадлироғчаларимиз, улар-га ҳавас қилиб ҳали бу сафни тўлдириб бора-диган ўқувчиларимиз жонажон юртимиз ва буюк халқимиз номини улугулайдиган, дунёга ёйдиган ижодкор ёшлар бўлиб улғайишларига умид қиламиз.

Ватан учун яшаган, ҳаётини халқ хизматига бағишлаган фарзандларини унутмайдиган, уларни ардоқлаб, номини абадий ёд этадиган бу элга, серқуёш ўлкага ҳамиша бахтлар ёр, байрамлари бисёр бўлсин, деймиз.

Вазира ИБРОҲИМОВА

